

ISSN: 2181-4562

DOI Journal 10.56017/2181-4562



IMFAKTOR  
PAGES

JOCAA

МАДАНИЈАТ ВА САНЈАТ

# Journal of Culture and Art

Volume I, Issue 2

April | 2023

КУЛТУРА И ИСКУССТВО



ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОҢ

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-2

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-2

ТОШКЕНТ – 2023

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВА | JOURNAL OF CULTURE AND ART

№ 2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4562-2023-2>

## БОШ МУҲАРРИР:

Халикулова Гўзал Эркиновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори в.б., Санъатшунослик фанлари номзоди

## МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Мелиқўзиёв Иқбол  
Мамасодиқович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудири, профессор в.б., Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

## ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ:

Касимов Нозим Козимович

Маданият ва туризм вазирлиги “Таълим ва илм-фанни ривожлантириш бошқармаси” бошлиғи, профессор Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали “Санъатшунослик” факультети декани, Тарих фанлари номзоди, профессор

Ходжаметова Гулчира  
Илишевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудири, доцент, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Абдувоҳидов Фахриддин  
Мелигалиевич

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедраси доценти

Умаров Мамур  
Боташикович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессори в.б., фалсафа фанлари номзоди

Худоев Ғани Муҳаммадович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра мудири, Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бердиханова Шахида  
Нурлыбаевна

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” кафедраси мудири, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Дўсанов Раҳимжон  
Раимқулович

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “катта ўқитувчи”, мустақил тадқиқотчи

Суннатиллаев Асатилло  
Суннатович

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти “Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи, мустақил изланувчи (PhD)

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи/Page Maker/Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО | JOURNAL OF CULTURE AND ART

**ТИЛЕПОВ Қуатбай Нукусбаевич***Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**2 курс магистранти*<https://doi.org/10.5281/zenodo.7866234>

## ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА АНИМАЦИОН ФИЛЬМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳозирги кунда ўзбек ва қорақалпоқ анимацион фильмларидаги сўнги янгиликлар, боланинг тили ва ақлий ривожланишида ва анимацион фильмларда қорақалпоқ фольклорининг аҳамиятли жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Ҳозирги ва кейинги даврларда суратга олинган анимацион фильмлар кенг таҳлил қилинди ва кўрсатиб берилди.

**Калит сўзлар:** анимацион фильмлар, халқ оғзаки ижодиёти, фольклор, характер, эртақ.

## ANIMATION IN THE UPBRINGING OF THE YOUNGER GENERATION THE IMPORTANCE OF FILMS

### ANNOTATION

This article discusses the latest news in Uzbek and Karakalpak animated films, the important aspects of Karakalpak folklore in children's language and mental development, and animated films. Animated films made in the present and later periods were widely analyzed and shown.

**Key words:** animated films, folk art, folklore, character, fairy tale.

## АНИМАЦИЯ В ВОСПИТАНИИ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ ВАЖНОСТЬ ФИЛЬМОВ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются последние новости узбекского и каракалпакского мультипликационного кино, важные аспекты каракалпакского фольклора в языковом и умственном развитии детей, анимационные фильмы. Широко анализировались и демонстрировались анимационные фильмы, созданные в настоящий и более поздние периоды.

**Ключевые слова:** анимационные фильмы, народное творчество, фольклор, персонаж, сказка.

Кино саноати миллий маданият ва санъатни ривожлантиришга, ёшларни садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, кекса авлодга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга бебаҳо хисса қўшмоқда. Кино инсон билимини орттиришда муҳим роль ўйнайди, унинг бой мазмуни эса аҳолининг билимдонлик даражасига бевосита таъсир қилади.

Болалар ва ўсмирлар ҳаёти, уларнинг дунёқараши, орзу умидлари, ҳаётга дадил қадамлар ташлашида ва бола тилининг ривожланишида мультипликацион фильмларнинг ўрни беҳиёс. Бугунги кунга келиб замонавий ўзбек ва қорақалпоқ анимацион фильмлари халқимизнинг маънавий бойлигига айланди. Халқимизнинг яшаш таризи, бой миллий кадриятлари, урф-одатлари, ҳаётга ва жамиятга бўлган муносабатлари мультфильмларда ўз аксини топган. Ҳозирги XXI аср технология жадал ривожланиётган замонда фарзандларимизнинг телевидение, кино ва мультфильмларга бўлган иштиёқи жуда катта.

Анимацион фильмларнинг асосий мақсади болаларни меҳр ва саховатпешаликка ўргатишдир. Ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари, маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришлари, ватанпарварлик ва халқпарварлик тушунчаларини, умумбашарий ва миллий кадриятлар мазмун-моҳиятини теран англаб етиши учун анимацион фильмларнинг роли катта.

Мультфильм - бугунги замон боласининг дўсти. Интернет, телевизион каналларда ҳар қандай ёшдаги болага мўлжалланган миллионлаб анимацион фильмлар бор ва уларнинг сони, камрови йил сайин ортса ортяптики, камаяётгани йўқ. Тан олиш керак, аксаримиз бола тарбиясини ўзимиздан соқит қилиб, турли-туман мультфильмларга «топшириб», хотиржам бўлиб қолганмиз. Бари йиғилса, бир кунда 3-4 соатини мультфильм кўриб ўтказадиган болалар кўп. Ота-онанинг мугтасил бандлиги (хоҳ рўзғор, хоҳ ишхонадаги юмушлар) гўдакликданок ҳаракатлантирувчи томошага мубталоликка йўл очди дегани.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига кўра, 2,5 ёшгача ҳар қандай рақамли контент кони зарар. Айрим мутахассислар буни 3 ёшгача чўзади. Тақиқнинг боиси - мия ривожланишида ортда қолиш эҳтимоли юқори. Телеканалларда ёш чегарасини кўрсатадиган сонлар (0+, 3+, 5+...) эса бефойда. Россиялик шифокор, психология фанлари доктори Надежда Мазурова: «Бутун дунёда мультипликациянинг аниқ мезонлари йўқ. Ота-оналар ўзларига ёққанини болага танлаб беради», - дейди.

Мультфильмларни мутлақо ёмон, тақиқланиши шарт маҳсулот дейиш ҳам нотўғри. Кўпгина таълимий, болага теварак-атроф, мулоқот, катталар дунёси қонуниятларини ўргатадиганлари уйда берилмайдиган билимдан афзал. Лекин муайян халқ болалари ўз маданияти, миллийлиги, дунёқараши акс эттирилмаган мультфильмларга боғланиб қолиши чиндан хавотирланарли [1].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон кинематография агентлиги тизимида Ўзбекистон кино санъати музейи фаолият юритади. Музейда анимацион фильмларга бағишланган ажойиб стендни жойлаштирилган. Бу ерда Ўзбекистон рассомлари ва режиссёрлари томонидан яратилган энг яхши анимацион фильмлар қахрамонларининг чизилган ва ўйинчоқ қахрамонлари ўрин олган. Киномузейга келган ҳар битта томашабин бу ердаги экспонатларни томоша қилиб, ўзларига катта завқ олади.

Ўзбекистон кинематография агентлиги ҳар йили "28 октябрь - Халқаро анимация куни" муносабати билан «Ўзбек мультипликацияси ривожига тўсқинлик қилаётган омиллар ва уларнинг ечимлари» мавзусида турли қил матбуот анжуманлари ва видеоконференциялар ва болаларимиз учун Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кинотеатрларида миллий мультфильмлар бепул намоиш этиб келмоқда.

Маълумот ўрнида айнан мана шу кунда 1892 йил франциялик рассом ва ихтирочи Эмиль Рейно Гревен музейида юқори мартабали Франция оммасига экранда ҳаракатланувчи тасвирларни кўрсатган. 2002 йилда «Халқаро анимацион кино ассоциацияси» (The International Animated Film Association, ASIFA)нинг Франциядаги бўлинмаси ташаббуси билан Эмиль Рейно ихтиросининг биринчи оммавий намоишига 110 йил тўлгани муносабати билан 28 октябрь анимация байрами сифатида таъсис этилган.

Кинематография агентлиги буюртмасига биноан 2019 йил 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Astir» анимацион фильмлар студияси томонидан режиссёр Абдулатиф Ҳайдаровнинг «Автосаргузаштлар» номли ўзбек мультсериали ишлаб чиқилди.

Мультфильминг бош қахрамонлари юртимизда ишлаб чиқарилган Damas, Spark, Matiz, Laccetti, Captiva, Malibu, MAN yuk mashinasi, ISUZU автобуси ва бошқалардир. Улар ёш телетомошабинларнинг севимли мультқахрамонларига айланди.

Мультсериалнинг ҳар бир қисмида кувноқ автомобилларнинг саргузаштлари ва Тошкент шаҳрининг гўзал анимацион манзаралари акс эттирилган. Ушбу мультфильм нафақат кўнгилочар, балки тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Яъни уни кўрган жажжи томошабинлар чин дўстлик, меҳрибонлик, меҳнаткашлик, самимийлик, масъулиятли бўлиш каби фазилатларни ўрганеди. Шунингдек, улар йўл ҳаракати қоидалари бўйича маълум кўникмаларга эга бўлади.

Замонавий ўзбек мультфильмлари бугунги кунда янада кенг камровли сюжетларни, замон қахрамонларини, юртимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, ривожланишлар, республикамизнинг таниб бўлмас даражада ўзгаришларини ўз ишига олганлиги боис жаҳон мамлакатлари қаторида ўз мавқеига эга бўлиб келмоқда. Бунга мисол қилиб аниматорларимиз томонидан янги замонавий технологиялар асосида яратилаётган анимацион фильмларни келтиришимиз мумкин.

2021 йил «Халқаро анимация куни» муносабати билан Қозоғистон Республикаси Туркистон шаҳрида 29-30 октябрь кунлари «AMEN - 2021» ( International Animation Film Festival) анъанавий халқаро анимацион фильмлар фестивали бўлиб ўтди. Унда 49 та давлат иштирок этди. Мазкур фестивалда режиссёр Азиз Муҳаммедовнинг «Ғилдиракли уй» анимацияси фестивалнинг «Гран при» бош соврини билан, «Сехрли танбур» анимацияси «Энг яхши бадий ечим» номинацияси бўйича мукофотланди. Маълумот учун, мазкур фестиваль 2019 йилдан буён ўтказилади. Унда анимацион фильмлар намоишлари билан бирга, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, маҳорат дарслари ва ижодий танловлар бўлиб ўтади [2].

Шунингдек Қорақалпоғистонда ҳозирги вақтда кино ва мультипликацион кинофильмларни ишлаб чиқариш соҳаси бўйича «Қорақалпоқфильм» киностудияси давлат унитар қархонаси ўз фаолиятини олиб бормоқда.

«Қорақалпоқфильм» киностудиясининг асосий вазифаси кино санъатининг миллий маданиятини ривожлантириш, бадий-ҳужжатли, илмий-публицистик, мультипликацион кинофильмлар ишлаб чиқариш, киновидеофильмларни ўзбек, рус тилларига дубляж этишдан иборат. Студия мультипликацион кинофильмларни ишлаб чиқаришда қорақалпоқ фольклори эртаклар, болалар кўшиқларидан фойдаланади.

*Қорақалпоқ халқи ўзининг дostonлари – оғзаки халқ асарлари билан машҳур.*

Бугунги кунда ёш авлод тарбиялашда анимация жанрини ривожлантириш бўйича давлатимиз томонидан муҳим қарор ва фармонлар, дастурлар қабул қилинмоқда [3].

2021 йилнинг 22 мартдан бошлаб Мактабгача таълим вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил август ойида қабул қилинган «Ихтисослашган болалар кўнгилочар - маърифий телеканални ташкил этиш тўғрисида» ги қарори асосида «AQLVOY» телеканали ўз фаолиятини бошлади. Телеканалда Россия, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа кўплаб мамлакатларда таниқли жаҳон студиялари томонидан яратилган энг яхши анимацион сериаллар ва дастурлар намоиш этилади. Каналнинг асосий устунлиги мамлакатнинг маданий қодини ҳисобга олган ҳолда хорижий таркибни ўзбек тилига мослаштиради ва юқори сифатли таржима бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 майдаги Қорақалпоғистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш чоратadbирлар тўғрисидаги №291-сонли қарорининг кўшимчасида «Қорақалпоқфильм» киностудиясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадида, «Қорақалпоқфильм» киностудиясининг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш базифаси белгилаб берилган. Бунда ҳар йили 2 та бадий фильм, 12 та ҳужжатли фильм, 2 та мультипликацион фильм, «Тулқишек» болалар ҳажбий киножурналини яратиш вазифалари белгиланган.

Албатта бу топшириқ болаларимизнинг ўз она тилида мултфильмлар билан киножурналларни кўриб томоша қилиши учун катта имконият бўлади деб ўйлаймиз. Ҳозирги кунда «Қорақалпоқфильм» киностудияси белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Қорақалпоқ фольклори яъни эртақлар асосида сценарийлар тайёрланиб, анимацион фильмлар ишлаб чиқариш борасида ижодий ишлар олиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугун биз ўзбек ва қорақалпоқ тилининг бой имкониятларини етказиб берадиган анимацион фильмларни яратиш ва биз ўз она тилимизни ёш авлод онгига сингдириш бизнинг, кенг жамоатчиликнинг вазифаси ва бурчи ҳисобланади. Биз анимацион фильмлар яратишда ижодкорлик ишларимизни янада ривожлантиришимиз ва давом эттиришимиз зарур.

## ИҚТИБОСЛАР

1. “Daryo.uz” интернет канали. 28.10.2021й. <https://daryo.uz/k>
2. Ўзбекистон кинематография агентлиги веб-сайти. <https://t.me/uzbekkinopress>
3. “Қорақалпоқфильм” киностудияси архив материаллари.

ISSN: 2181-4562  
DOI Journal 10.56017/2181-4562

# МАДАНИЯТ ВА САЊАТ ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 2-СОН

## ЖУРНАЛ КУЛЬТУРА И ИСКУССТВО

ТОМ-I, НОМЕР-2

## JOURNAL OF CULTURE AND ART

VOLUME-I, ISSUE-2

2023 йил 31 март куни чоп этилди.

«Маданият ва санъат» электрон журнали 2023 йил 24 февраль куни № 065356-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)